

**ФУЗАЙЛОВА Гавхар Сиддиқовна**  
Ўзбекистон халқаро ислом академияси  
Дин психологияси ва педагогика  
кафедраси доценти, тарих фанлари номзоди

## ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ЎЙИН ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

### РОЛЬ ИГРОВЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В СОВЕРШЕНСТВОВАНИИ УЧЕБНОГО ПРОЦЕССА

### THE ROLE OF GAMING TECHNOLOGIES IN IMPROVING THE LEARNING PROCESS

**Аннотация.** Замонавий технологияларнинг ривожланиш ҳолати, биринчи навбатда, жамиятнинг интеллектуал салоҳиятига, жумладан, таълим соҳасининг ривожланишига боғлиқ. Таълим мазмуни ва сифати масалалари жамиятда устувор йўналиш сифатида қаралмоқда. Дунёнинг ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларида таълимни ахборотлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Таълимни ривожлантириш, унинг самарадорлигини ошириш йўллари изланмоқда. Таълимда янги ахборот технологияларини жорий этиш таълим соҳасидаги ислохотларнинг диққат марказидан ўрин олган. Ушбу мақолада замонавий технологиялардан бири ўйин технологияларининг услублари тавсифланади.

**Калит сўзлар:** тарбия, дарс, ўйин, ўйин технологияси, ўқитувчи, ўқувчи, усул, услубий тавсия, инновацион фикрлаш.

**Аннотация.** Состояние развития современных технологий зависит, прежде всего, от интеллектуального потенциала общества, в том числе от развития сферы образования. Вопросы содержания и качества образования считаются приоритетными в обществе. В развитых и развивающихся странах мира особое внимание уделяется информатизации образования. Изыскиваются пути развития образования и повышения его эффективности. Внедрение игровых и информационных технологий в образование стало фокусом реформ в сфере образования. В данной статье описаны виды игровых технологий и их роль в совершенствовании учебного процесса.

**Ключевые слова:** обучение, урок, игра, игровая технология, учитель, ученик, метод, методические рекомендации, инновационное мышление.

**Annotation.** The state of development of modern technologies depends, first of all, on the intellectual potential of society, including the development of the education sector. Issues of the content and quality of education are considered a priority in society. In developed and developing countries of the world, special attention is paid to informatization of education. Ways are being sought to develop education and increase its effectiveness. The introduction of new information technologies in education has become the focus of reforms in the field of education. This article describes the methods of gaming technologies, one of the modern technologies.

**Keywords:** learning, lesson, game, game technology, teacher, student, method, guidelines, innovative thinking.

## КИРИШ

Бугунги кунда таълим мазмунининг сифатини такомиллаштириш замонавий педагогик инновация йўналишисиз мумкин эмас. Умумий ўрта таълим тизимида инновацион жараёнларнинг инновацион хусусияти янгиликлар киритиш, ўқитувчилар касбий имкониятлари билан белгиланади.

Ўқитувчи замонавий педагогик технологиялардан фойдаланар экан, албатта, бунда, биринчи навбатда, фан, мавзу, ўқувчилар ёши, касбий йўналтирилганлиги ва шу каби бир неча жиҳатларга аҳамият бериши лозим.

“Тарбия” фанини замонавий педагогик технологиялар билан олиб бориш бугунги кунда ўзини оқлаган методлардан бири ҳисобланади. Зеро, замонавий педагогик технология ўзига хос ва потенциал яратилган педагогик натижаларга эришиш учун, педагогик тизимнинг барча ташкилий томонларига алоқадор назарий ва амалий (таълим доирасида) тадқиқотлар соҳаси сифатида белгиланади [13].

Замонавий шароитда ўқувчиларнинг ўқув-билиш фаолликларини кучайтириш, ўқитиш сифатини ошириш ва самарадорлигини яхшилаш мақсадида “Тарбия” фани дарсларида инновацион характерга эга таълим шаклларида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бугунги кунда педагогик ўйинлар, муаммоли ўқитиш, интерфаол таълим, кейс стади технологиялари, блендед леарнинг (аралаш ўқитиш) ва маҳорат дарслари таълимнинг инновацион шакллари сифатида эътироф этилмоқда [11:12].

## АСОСИЙ ҚИСМ

Ўйин шахсни тарбиялаш, ривожлантириш, унга таълим бериш хусусиятларига эга. Мавжуд хусусиятлари туфайли ўйинлар қадим-қадимдан халқ педагогикасининг муҳим асосларидан бири бўлиб келмоқда. Бевосита ўйинлар болаларда идрок, сезги, хотира, тафаккур, нутқни ривожлантиришга ёрдам бериш орқали уларни маънавий-ахлоқий, ақлий, жисмоний ва эстетик жиҳатдан тарбиялашга хизмат қилади. Ўйин – кишилиқ фаолиятининг муҳим тури ҳамда ижтимоий муносабатлар мазмунининг болалар томонидан имитациялаш (кўчириш, тақлид қилиш) асосида ўзлаштириш шакли саналади.

Тарбия фани дарсларида ўйинли технологиянинг аҳамияти ва ўрнини очиб беришдан олдин, “ўйин” тушунчасининг моҳиятини англаб олиш талаб этилади.

Замонавий шароитда таълим амалиётида амалий-инновацион характерга эга ўйинлардан самарали фойдаланилмоқда. Амалий ўйинлар-муайян амалий ҳаракатларнинг ташкил этилишини имитациялаш имкониятини берадиган ўйинлар. Таълим амалиётида қўлланиладиган амалий ўйинлар ўз-ўзидан дидактик хусусият касб этади, шу сабабли улар кўп ҳолатларда “дидактик ўйинлар” деб юритилади [10:81].

Ўйин технологиялари (ўйин таълими) – ижтимоий тажрибаларни ўзлаштиришнинг барча кўринишлари: билим, кўникма, малака ҳамда ҳиссий-баҳолавчи фаолият жараёнини ҳосил қилишга йўналтирилган шартли ўқув вазиятларини ифодаловчи шахсга йўналтирилган таълим (педагогик технология) турларидан бири.

Ўйин технологиялари ўқувчиларни муайян жараёнга тайёрлаш, уларда маълум ҳаётий воқелик, ҳодисалар жараёнида бевосита иштирок этиш учун дастлабки кўникма, малакаларни ҳосил қилишга хизмат қилади. Таълим жараёни иштирокчилари сифатида турли ролларни бажариш ўқувчиларга педагогик фаолият мазмуни билан яқиндан танишиш имкониятини яратиш асосида маълум фаолиятни самарали ташкил этишга назарий, амалий ва руҳий тайёргарликка еришиш нуктаи назаридан ёрдам беради.

Ўйин инсон ҳаётининг ҳар бир даври учун унинг руҳий ривожланишини белгиловчи етакчи

фаолият тури ҳисобланади. Фақат ўйинда ва ўйин орқали бола воқеликни, шу жумладан, кишилар ижтимоий муносабатларини, хулқини, ҳатти-ҳаракатларини билиб олади.

Тарихий тараққиёт жараёнида ўйин нафақат болалар, балки катталар ҳаётидан ҳам алоҳида ўрин эгаллашга муваффақ бўлди. Замонавий шароитда интеллектуал, компьютер, иқтисодий, ҳарбий, касбий, спорт ва маиший ҳордик чиқаришга кўмаклашадиган ўйин моделлари ҳам катталар орасида кенг оммалашган.

Замонавий педагогикада ўйинлар таълим жараёнининг самарадорлигини ошириш, таълим оловчиларнинг ўқув-билиш фаоллигини кучайтириш мақсадида қуйидаги тарзда қўлланилади: тушунча, мавзу ва алоҳида бўлим моҳиятини ўзлаштиришда алоҳида технология сифатида; педагогик технологияларнинг элементи сифатида; ўқув машғулотини шакли ёки унинг бир қисми сифатида; синфдан ташқари ишлардан бири.

Ўйиннинг моҳияти ва тузилиши маълум кўникма, малака, қобилият ва сифатларнинг ҳар бир иштирокчида бутун ўйин давомида шаклланишини таъминлайди. Таълим жараёнида ўйин технологияларидан фойдаланишда ўқитувчи педагогик вазифаларини сценарийда аниқ ифода қилиш зарур.

Ўйин фаолиятининг психологик механизмлари шахснинг ўзини намоён қилиш, ўзининг ҳаётда ўрнини белгилаш, ўзини ўзи бошқариш, ўз имкониятларини амалга оширишдан иборат асосий эҳтиёжларни қондириш имкониятини яратади.

Ўйин ижтимоий тажрибаларни ўзлаштириш ва қайта яратишга йўналган вазиятларда, фаолият тури сифатида белгиланади ҳамда ўйин жараёнида шахснинг ўз хулқини бошқариши шаклланади ва такомиллашади.

Ўқув фаолиятининг асосий мотиви – бу ўқув-билиш мотиви бўлса, ўқув фаолиятининг энг муҳим мотивацияси эса ўқувчида ўзи танланган ва асосларини ўзлаштираётган касбга бўлган қизиқиши саналади. Ўқувчи ўқув жараёнида эгаллаган билимларидан, касбий малакалари ва кўникмаларидан ҳиссий жиҳатдан қониқа олиши лозим. Бу вазифани ҳал қилишда ўқитиш жараёнида ўйинли технологиялардан фойдаланиш алоҳида аҳамият касб этади. Ўйинли технологиялари, шунингдек, ўқувчиларнинг ижодий қобилияти ва креатив тафаккурини ўстиради [10:81].

Педагогик мақсадда фойдаланилаётган ўйинлар ўйин технологиялари деб номланади. Ўйин технологиялари таълими ўқувчиларни муайян жараёнга тайёрлаш, уларда маълум ҳаётий воқелик, ҳодисалар жараёнида бевосита иштирок этиш учун дастлабки кўникма, малакаларни ҳосил қилишга хизмат қилади. Таълим жараёни иштирокчилари сифатида турли ролларни бажариш ўқувчиларга педагогик фаолият мазмуни билан яқиндан танишиш имкониятини яратиш асосида маълум фаолиятни самарали ташкил этишга назарий, амалий ва руҳий тайёргарликка еришиш нуктаи назаридан ёрдам беради.

“Тарбия” фани дарсларида ўйинлар ва ўйинли вазиятларни қўллаш қуйидаги асосий йўналишларда амалга оширилади: дидактик мақсад ўқувчилар олдида ўйинли топшириқ шаклида қўйилади; ўқув фаолияти ўйин қоидаларига бўйсундирилади; дидактик ўқув материаллардан ўйин воситаси сифатида фойдаланилади; ўқув фаолиятида дидактик вазифани ўйин вазифасига айлантирувчи мусобақа элементи қўлланилади; муваффақиятли бажарилган дидактик топшириқ ўйин натижаси саналади.

Ўқув жараёнида ўйин технологияларининг ўрни, аҳамияти, шунингдек, ўйин элементлари ҳамда таълимнинг ўзаро уйғунлиги кўп жиҳатдан ўқитувчи томонидан педагогик ўйинлар моҳияти, функцияси ва турларининг қанчалик тушунилиши билан белгиланади.

Таълим жараёнидаги ўқувчининг фаоллиги, дидактиканинг асосий принципларидан бири бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Ўқувчининг фаоллиги, мақсадли йўналтирилган бошқарувчи педагогик таъсирлар ва педагогик муҳитнинг ташкил этилиши натижасидир. Ўқувчиларнинг фаоллигини таъминловчи, ўқитиш технологияларидан бири – дидактик ўйин ҳисобланади. Ўйин фаолиятига қизиқиш, ўқувчиларнинг ўз-ўзини ифода этиш, рўёбга чиқариш каби эҳтиёжларини қондирувчи, мусобақалаштириш элементлари орқали таъминланади.

Ўйиннинг ажойиб хусусияти шундаки, у бир вақтнинг ўзида ҳам ривожланиш, ҳам ўрганиш ҳисобланади. Педагогик ўйин, ўқитишнинг аниқ қўйилган мақсади ва унга тегишли педагогик натижа билан белгиланади. Бу натижалар асосланган, ўқув тайёргарлик фаолиятига ега бўладилар.

Педагогик ўйинлар ўйин услубига кўра қуйидагича тавсифланади: фанлар бўйича: сюжетли, ишбилармонлик, имитацион, драмалаштирилган ўйинлар. Таълим тизимида фойдаланадиган барча педагогик ўйинлар ўз мазмунига кўра дидактик ўйин ҳисобланади. Чунки улар, одатда, маълум ўқув фани доирасида ишлаб чиқилади: роллар ва сюжетлар мавжуд бўлади, турли вазиятлар имитация қилинади. Яъни, умумий ўрта таълим тизимида қўлланиладиган дидактик ўйинлар педагогик ўйинларнинг барча таркибий қисмларини ўз ичига олади.

“Тарбия” фани дарсларида педагогик ўйинлар янги ўқув материални ўзлаштиришга ва мустаҳкамлашга, ўқувчининг ижодий қобилиятини ривожлантирувчи, умуммиллий кўникмаларини шакллантирувчи масалалар мажмуаларини ечишга қаратилади, ўқувчиларга турли ҳолатлардан ўқув материални тушуниб этиш ва ўрганиш имконини беради. Ўқув жараёнида дидактик ўйинларнинг турли хил шакллари ишлатилади: имитацион, операцион, ролли ўйинлар.

Педагогик ўйин ўзида ўқувчиларнинг келажакдаги касбий фаолияти предмети ва ижтимоий мазмунини тиклаш шаклини мужассамлаштиради, фаолият яхлитлигини белгиловчи шундай муносабатлар тизимини моделлаштиради.

Белгили воситалар (тил, нутқ, графиклар, жадваллар, ҳужжатлар) ёрдамида педагогик ўйинда асосий муҳим белгиларига кўра ҳақиқий вазиятга ўхшаш касбий вазият вужудга келтирилади. Шу билан бирга ишбилармонлик ўйинида қисқа вақт ичида фақат турдош умумий вазиятлар қайта тикланади.

Педагогик ўйин келажакдаги касбий фаолиятнинг предметли жиҳатини (шартли амалиёт) ўқувчиларнинг бошқа ролли ҳолатдаги вакиллар билан ўзаро мулоқотда бўлувчи ижтимоий жиҳатини вужудга келтиради. Шундай қилиб, ишбилармонлик ўйинида жамоавий ўқув фаолиятининг яхлит шакли – ишлаб чиқариш, касбий фаолияти шароити моделида яхлит объектда амалга оширилади.

Педагогик ўйинда ўқувчи ўзида ўқув ва касбий элементларни уйғунлаштирган ўхшаш касбий фаолиятни бажаради. Билим ва кўникмаларнинг ўзлаштирилиши абстракт даражада эмас, балки касбий меҳнат контекстида (маъносида) амалга ошади.

Контекстли ўқитишда билимлар келажак учун бекорга эмас, балки ўқувчининг реал ўйин жараёнидаги ҳаракатини таъминлайди. Бир вақтнинг ўзида, ўқувчи назарий билимлар билан бир қаторда махсус хислатга эга одамлар билан мулоқотда бўлиш ва бошқариш, жамоавий қарорлар қабул қилиш малакалари, раҳбарлик қилиш ва бўйсунуш кўникмаларига эга бўлади. Яъни, педагогик ўйин шахсий сифатларни тарбиялайди, ижтимоийлашув жараёнини жадаллаштиради. Аммо бу “жиддий” касбий фаолият ўйин шаклида рўёбга чиқарилгани сабабли, ўқувчи ақлий ва ҳиссий жиҳатдан эркинлашади, ижодий ташаббусини намоён этади [9:80].

Ишлаб чиқариш динамикаси, мутахассисларнинг ҳаракатлари ва муносабатларини моделлаштириб, ўхшатиб, ишбилармонлик ўйини, билимларни долзарблаштириш, қўллаш ва мустаҳкамлаш воситаси ва амалий фикрлаш воситаси сифатида хизмат қилади. Ушбу ҳолат, ўйиннинг маълум берилган аниқ вазиятида ёки ишлаб чиқариш вазиятида иштирокчиларнинг ўзаро муносабатлари орқали амалга оширилади. Ишбилармонлик ўйини ўхшатма моделда ўйинли ўқув масалаларини қўйиш ва ечиш бўйича қўшма фаолият каби рўёбга чиқарилади. Қўшма фаолият қоидалари ва меъёрлари, ўхшатиш тили ва алоқалар олдиндан қабул қилинади ёки ўйин жараёнида ишлаб чиқилади. Ишбилармонлик ўйини мунозарали мулоқот маромида ўтказилади, у қўшрежали фаолият ҳисобланади, чунки унда иккита мақсадга еришилади: ўйинли ва педагогик. Педагогик фаолият устувор бўлса ҳам, ўйинни поймол этмаслиги керак.

Ўйин жараёнида қуйидагилар ўзлаштирилади: касбий ҳаракатлар меъёрлари; ижтимоий ҳаракатлар меъёрлари – ишлаб чиқариш жамоасидаги муносабатлар. Бунда ўйиннинг ҳар бир иштирокчиси фаол ҳолатда бўлади, шериклари билан ўзаро муносабатда бўлади, ўз қарашларини шериклариники билан таққослайди ва шунинг натижасида жамоа билан муносабати орқали ўзини ўзи ўрганади.

Педагогик ўйинлар янги ўқув материални ўзлаштириш, мустаҳкамлаш, ўқувчининг ижодий қобилиятини ривожлантириш, умумий касбий тайёргарлик кўникма, малакаларини шакллантириш каби масалаларни ечишга қаратилади. Улар ёрдамида ўқувчилар турли

ҳолатлардан ўқув материални тушуниш, унинг негизида маълум кўникма, малака ва сифатни ўзлаштириш имкониятига эга бўлади.

Дидактик ўйинлар – ўрганилаётган объект, ҳодиса, жараёнларни моделлаштириш асосида “Тарбия” фани дарсларида ўқувчиларнинг билишга бўлган қизиқишлари, фаолликларини оширадиган ўқув фаолияти тури ҳисобланади. Бу каби ўйинлар ўқувчилар томонидан ижтимоий-фойдали меҳнат ва ўқиш кўникмаларини фаол ўзлаштиришда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, уларнинг аҳамияти натижалар билан эмас, балки жараённинг мазмуни ва кечиши билан белгиланади; бу каби ўйинлар ўқувчиларни ижтимоий муносабатлар жараёнида фаол иштирок этишга тайёрлайди, улардаги турли психологик зўриқишларни камайтиради.

Сюжетли ўйинлар – “Тарбия” фани дарсларида ижтимоий воқелик, ҳодисалар баённинг муайян изчиллиги ва унда иштирок этаётган шахслар фаолиятининг ўзаро боғлиқлигига асосланган ўйинлар саналади. Бу каби ўйинлар “Тарбия” фани дарсларида 6-синф “Ўзига ишонч – мўжизакор куч”, “Қийин вазиятда ҳиссиётларни бошқариш”, “Бойликдан фойдаланиш мезонлари”, одатда, таълим-тарбия жараёнида юзага келган муаммоли вазиятларни, шахсни қайта тарбиялаш мақсадида қўлланилади.

Ишбилармонлик ўйинлари – маълум фаолият, жараён ёки муносабатлар мазмунини ёритиш, уларни самарали, тўғри, оқилона уюштиришга доир кўникма, малака ҳамда сифатларни ўзлаштириш мақсадида ташкил этиладиган ўйинлар. Бу турдаги ўйинлар “Тарбия” фанидан 9-синфларда “Бизнес мезонлари”, “Бизнес бошлаш учун замонавий ғоялари” мавзуларида ўқувчиларда аниқ фаолият йўналишида зарур БКМ ва сифатларни шакллантириш ёки ривожлантириш мақсадида ташкил этилади. Шу жиҳатдан ишбилармонлик ўйинлари ишлаб чиқариш жараёни, касбий фаолиятнинг моделлаштирилишини англатади. Ишбилармонлик ўйини ўқувчиларда касбий сифатларни ҳосил қилиш билан бирга шахсий сифатларни ҳам тарбиялайди, уларнинг ижтимоийлашувини таъминлайди.

Имитацион ўйинлар – ишлаб чиқариш корхоналари, иш ўринлари, фирмалар, ташкилотларда ходимлар томонидан амалга ошириладиган фаолиятни имитациялаш (тақлид қилиш, кўчириш) асосида ўқувчиларни

муайян амалий ёки касбий фаолиятга самарали тайёрлашга йўналтирадиган ўйинлар. Бу турдаги ўйинлар сценарийси, сюжетида ташқари, имитация жараёни, объектларнинг таркибий тузилмаси ва аҳамиятини тўла очиб бериш мақсадида моделлаштирилади.

Драматик ўйинлар (психологик ва ижтимоий драмалар) – психологик ҳамда ижтимоий масалаларни ҳал қилишга йўналтирилган ўйинлар бўлиб, улар ташкил этилиши, методик хусусиятларига кўра ролли ва ишбилармонлик ўйинларига яқин. Одатда психологик ва ижтимоий характердаги драматик ўйинлар жамоадаги муҳитни яхшилаш, шахслараро муносабатларнинг ижобий бўлишига эришиш, мулоқотга кириша олиш, жамоада ягона бирликни қарор топтириш, ўзгаларнинг руҳий ҳолатини тўғри баҳолаш, оғир вазиятларга дуч келган субъектларга ёрдам кўрсатиш ҳамда самарали, унумли фаолият кўрсатиш учун зарур шароитни яратишга хизмат қилади. “Тарбия” фанидан 8-синф дарсларида “Тушқунлик ва безовталикни бошқариш”, “Қийин вазиятларда ҳиссиётларни бошқариш” каби режалаштирилган амалий машғулотларда драматик ўйинлар орқали ташкиллаштириш мумкин [12].

Барча ўйинларда бўлгани каби педагогик ўйинлар жараёнида ҳам иштирокчи-ўқувчилар фаол ҳолатда бўлади, шериклари билан ўзаро муносабатга киришади, шунингдек, ўз қарашларини шериклариники билан таққослаш, жамоа билан зарур муносабатни ўрнатиш орқали ўзини ўзи ўрганади.

Педагогик жараёнда ўйинлардан фойдаланишда айрим жиҳатларга эътибор қаратиш лозим. Жумладан, ўйин сценарийсини тайёрлаш, йўриқномалар тузиш, аудиторияни ўйин моҳиятига мувофиқ жиҳозлаш

Сценарий ва унинг моҳияти муҳим аҳамиятга эга. Зеро, айнан сценарийгина тегишли таълим, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадларга эришиш имкониятини таъминлайди. Ўқитувчилар ўйин сценарийларини тайёрлашга алоҳида эътибор қаратишлари, сценарийни тайёрлаш малакасига эга бўлишлари зарур. Педагогик характердаги ўйинларнинг таркибий тузилмаси қуйидагилардан иборат: ўқув мақсади, ўйиннинг вазифаси, ўрганиладиган муаммо тафсилоти, ўйин вазиятининг тафсилоти, иштирокчиларнинг таснифи.

Таълим жараёнида ўйин технологияларини қўллаш қуйидагиларга асосланади: гуруҳни шакллантириш, машғулотларнинг бош мақсадини ифодалаш, муаммоли вазиятни вужудга келтириш, ролларни тақсимлаш, ўйин регламентини ўрнатиш, материаллар, йўриқномалар, қоидалар ва кўрсатмалар тўпламини тарқатиш, маслаҳат бериш.

Ўйин технологияларини қўллашда роллар қура ташлаш йўли билан тақсимланади. Ўйин жараёнида белгиланган вақт (регламент)га, мулоқот одобига риоя этиш, фаоллик кўрсатиш ҳамда ўйинни охиригача давом еттириш кутилган натижани кафолатлайди.

“Ролли ўйин” технологияси – ўқувчилар томонидан ҳаётий вазиятнинг ҳар хил шарт-шароитларини сахналаштириш орқали кўрсатиб берувчи методдир. Ролли ўйинларнинг ишбоп ўйинлардан фарқли томони баҳолашнинг олиб борилмаслигидадир. Шу билан бирга “Ролли ўйин” методида ўқувчилар ўқитувчи томонидан ишлаб чиқилган сценарийдаги ролларни ижро этиш билан кифояланишса, “Ишбоп ўйин” методида рол ижро этувчилар маълум вазиятда қандай вазифаларни бажариш лозимлигини мустақил равишда ўзлари ҳал этадилар [15:66].

Ролли ўйинда ҳам ишбоп ўйин каби муаммони ечиш бўйича иштирокчиларнинг биргаликда фаол иш олиб боришлари йўлга қўйилган. Ролли ўйинлар ўқувчиларда шахслараро муомала малакасини шакллантиради.

“Ролли ўйин” методида ўқитувчи ўқувчилар ҳақида олдиндан маълумотга эга бўлиши лозим. Чунки ролларни ўйнашда ҳар бир ўқувчининг индивидуал характери, ҳулқ-атвори муҳим аҳамият касб этади. Танланган мавзулар ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражасига мос келиши керак. Ролли ўйинлар ўқув жараёнида ўқувчиларда мотивацияни шакллантиришга ёрдам беради. Қуйида “Ролли ўйин” технологиясининг тузилмаси келтирилган.

“Ролли ўйин” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Ўқитувчи мавзу бўйича ўйиннинг мақсад ва натижаларини белгилайди ҳамда ролли ўйин сценарийсини ишлаб чиқади.
2. Ўйиннинг мақсад ва вазифалари тушунтирилади.
3. Ўйиннинг мақсадидан келиб чиқиб, роллар тақсимланади.

4. Ўқувчилар ўз ролларини ижро этадилар. Бошқа ўқувчилар уларни кузатиб турадилар.

5. Ўйин якунида таълим ўқувчилардан улар ижро этган ролни яна қандай ижро этиш мумкинлигини изоҳлашга имконият берилади. Кузатувчи бўлган ўқувчилар ўз якуний мулоҳазаларини билдирадилар ва ўйинга хулоса қилинади.

Ушбу технологияни қўллаш учун сценарий ўқитувчи томонидан ишлаб чиқилади. Баъзи ҳолларда ўқувчиларни ҳам сценарий ишлаб чиқишга жалб этиш мумкин. Бу ўқувчиларнинг мотивациясини ва ижодий изланувчанлигини оширишга ёрдам беради. Сценарий “Тарбия” фани бўйича ўтилатган мавзуга мос равишда, ҳаётда юз берадиган баъзи бир ҳолатларни ёритиши керак. Ўқувчилар ушбу ролли ўйин кўринишидан сўнг ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, керакли хулоса чиқаришлари лозим.

### ХУЛОСА

Ролли ўйинлар – маълум бир шахснинг вазифа ва мажбуриятларини бажаришдаги руҳий ҳолати, ҳагги-ҳаракатлар моҳиятини очиб беришга йўналтирилган ўйинлар, уларда роллар мажбурий мазмуни билан тақсимланади. Ролли ўйинлари “Тарбия” фани дарсларида 7-синф “Дўстлик”, “Инсонийлик – халқимизнинг эзгу фазилатлари”, “Бағрикенглик – тинчлик ва тотувлик сари муҳим қадам”, “Инсон ахлоқи билан гўзал”, “Инсон одобида акс этувчи феъл-атвор” мавзуларида ўқувчиларни муайян жараёнга тайёрлаш, уларда маълум ҳаётӣ воқелик, ҳодисалар жараёнида бевосита иштирок этиш учун дастлабки кўникма-малакаларни ҳосил қилишга хизмат қилади. Таълим жараёни иштирокчилари (масалан, ўқувчилар, ота-оналар, педагогик жамоа аъзолари ва б.) сифатида турли ролларни бажариш ўқитувчиларга педагогик фаолият мазмуни билан яқиндан танишиш имкониятини яраца, ўқувчиларга маълум фаолиятни самарали ташкил этишга назарий, амалий, энг муҳими, руҳий жиҳатдан тайёрланишга ёрдам беради.

### ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. 23.09.2020. ЎРҚ-637-сон // <https://lex.uz/docs/5013007>.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 январдаги «Умумтаълим, ўрта махсус ва касб-хунар таълими тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги ПҚ-4513-сонли Қарори.
3. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8 декабрдаги “Халқ таълими тизимида таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги халқаро тадқиқотларни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 997-сон Қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепсияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон Фармони.
5. “Умумий ўрта таълим муассаларида “Тарбия” фанини босқичма-босқич амалиётга жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 07.06.2020йил 422-сон Қарори.
6. Аминов М.Н. Тарбия энциклопедияси / Ўзбекистон Миллий энциклопедияси ДИН, 2010.
7. Ахметова К.И., Файзуллаева Д.М., Хошимова Д.П. «Олий ўқув юртида инновацион таълим технологиясини лойиҳалаштириш, режалаштириш ва уни амалга ошириш» мавзуси бўйича ўтказиладиган тренинг машғулотининг таълим технологияси: Услубий қўлланма/ Иқтисодий таълимда ўқитиш технологияси сериясидан. – Т.: ТДИУ, 2010. – 80 б.
8. Ганиева М., Файзуллаев Д. Кичик гуруҳларда ҳамкорликда ишлаш педагогик технологиялар тўплами. – Т.: Иқтисодиёт, 2013.
9. Голиш Л.В., Хашимова Д.П. Таълим жараёнида интерфаол таълим услублари ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш тренингининг ўқув-методик материаллари. – Т.:ТДИУ, 2014. – 80 б.
10. Инновацион таълим технологиялари / Муслимов Н.А., Усмонбоева М.Х., Сайфуров Д.М. – Т.: “Сано стандарт” нашриёти, 2015. – 150 б.
11. Ишмухамедов Р.Ж, Абдуқодиров А., Пардаев А. Тарбияда инновацион технологиялар (таълим муассасалари ўқитувчилари, тарбиячилари, гуруҳ раҳбарлари учун амалий тавсиялар). – Т.: Истеъдод, 2010. – 140 б.
12. Сағдиев А., Фузаилова Г., Хасанова М. Тарих ўқитиш методикаси / Ўқув қўлланма. – Т., 2012 (Қайта нашр)
13. Файзуллаева Н. Педагогик билимлар – ўқитувчи касбий маҳоратининг назарий асоси // Узлуксиз таълим ж. – Т., 2006
14. Фузаилова Г. Тарих ўқитиш методикаси ва таълим технологиялар. Ўқув қўлланма. – Т., 2019.
15. Фуломов С.С., Бегалов Б.А. Информатика ва ахборот технологиялари. – Т.: Фан, 2010. – 686 б.